





ТАДБИРКОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ БЎЛСИН

«Халқ сўзи», 2000 йил 4 апрел

Барчамизга аёнки, Юрт-бошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кейинги сессияларида ва Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якулига бағишланган йилгиликда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш замон талаби эканлиги, уларни назорат идораларининг гафрийқонуний текширувларидан ҳимоя қилиш зарурлигига жиддий эътибор қаратди. Шундан сўнг турли давраларда ва матбуот саҳифаларида бу борада йил қўйлаётган хато-камчиликлар рўй-рост айтилиб, уларни бар-тароф этиш юзасидан фойдаланиб, тадбиркорларга ўртага ташлана бошлади. Масалани шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдусамат Полвоноданинг «Халқ сўзи»да чоп этилган «Тад-

Акс садо

биркорнинг кўнгли тўқ бўлсин» сарлавҳали мақола-си ҳам муҳим аҳамиятга эга чиқишларданidir.

Мақола таҳлиллари, жўли тақлиф-исталарга бой-лиги билан жамоамиз аҳли-да катта қизиқуш уйғотди. Шу боис уни биргаликда ўқиб, бафуржа муҳокама қилдик. Бизга вазири-нинг, айниқса, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва эндигина шаклланиб келаётган мулкдорлар фаолиятини ҳудуд-бе-худа тақтиш қилишларни ка-майитириш лозимлиги тўғри-сидаги фикрлари жуда маъ-кул тушди. Негаки, ноўрин текшир-тектирлар, ҳақиқатан ҳам, тадбиркорнинг қиммат-ли вақтини ўғирлайди. Бун-данам аччиқарлиси, унинг та-шаббуслорининг бўғайди, қилаётган ишининг самара-сига ишончини сусайтиради. Мана, ўз соҳамиздан қиёс: банда ички назорат хизма-ти йўлга қўйилган, ташқи аудит ёрдамга шай турган бўлса, бошқа идораларнинг тадбиркор тақдирини учун ор-тиқча «ғамхўрлик» кўрсати-шига ҳоҳат борми?

Мен фурсатдан фойдала-ниб, «Халқ сўзи» саҳифаларида бундан кейин ҳам вақти-вақти бил-дан адлия ходимларининг маслаҳат, йўл-йўриқ маз-мунидаги мақолалари чоп эти-либ, уларда акциядор-лик-тижорат банкларининг суд, прокуратура, ички иш-лар бўлими, солиқ идора-лари ва турли вазирлик-лар билан ҳамкорлигига оид масалалар ойдинлаштириб берилса, айни муддао бўларди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Андижонбанк» АТБ бошқаруви раиси.

Шу йил бошида бехосдан хасталикка чалиндим. Турли шифохоналарда даволандим, табибларнинг йўл-йўриқларига амал қилдим. Лекин олган муолажаларим наф бермади. Ақсинча, вақт ўтиши билан ахволим баттар оғирлашди. Охири ҳассага таяниб қолдим.

Ана шундай ҳасратли кунларимнинг бирида дўстларим менга хушхабар етказишди. Каттакўрғон тумонда Иби Сино номли сихаттоҳ борлигини, кўнгли беморлар у ердан даярларига шифо топиб қайтаётганини айтишди. Мен ҳам умид билан ўша ёққа йўл олдим.

Сихаттоҳнинг асосий муолажа манбаи радонли сув бўлиб, у ҳаракат

аззолари, қон айланиши, гинекология ва асаб касалликларини даволашда қўлланаркан. Бу ерда, шунингдек, балчиқ ва парафин воситасида

ҲАССАМНИ ТАШЛАБ ҚАЙТИМ

соғайтириш, замонавий ташхис қўйиш хоналари ҳам беморларга узлуқсиз хизмат кўрсатаркан.

Шифохорлар жумалик Шифо Шарифова, чела-лик Абдуҳалиқ Сатторов, форшляк Бурхон Усмонов-лар қатори мени ҳам илтиқ қутиб олишди. Касалимга аниқ ташхис қўйишди.


Кейин ҳам бор билим-маҳоратларини, энг муҳи-ми, ширин сўзларини аямалилар. Мана, натижа-си: бош ҳажим Адолат Мусинова, шифокор-

Миннатдор қалб таклифи

юра бошладим. Фақат мени бошқа бир нарса таажжублантирди:

қадам ранжиди қилганлар эса ҳеч жойдан йўлланма тополмай, ўз ташаббуслари билан келишган экан. Демак, соҳа мутасаддилари бу ҳақда жиддий бош қотириб, сихаттоҳнинг имкониятлари ва афзаллик-ларини барча вилоятларга ҳамда хорижа тарғиб қилсалар, фойдадан холи бўлмасди. Бир тумондан, тегишли хасталарнинг дарди енгиллашарди, иккинчидан, сихаттоҳ жамоаси ҳар тумонлама қўллаб-қувватланарди.

Н. ЮСУПОВА, Жиззах.



Мехру оқибатдан

яралган олам, То ибад сўнмағай муҳаббат тафти. Чунки бу дунёнинг устунларини Кўтариб туришди оталар қафти.

ХАТЛАР — КЎНГЛИ ОЙНАСИ

Таажжуб!

Таҳририятимизга ҳар кун республикамизнинг турли ша-ҳар-кишлоқларидан ўнлаб ши-коят хатлари келади. Биз уларнинг барчасини синчков-лик билан ўқиб чиқамиз. Ай-римларини газета саҳифа-ларида ёритамиз ёки журналист суриштируви ўтказишни режа-лаштириб, мухбирларимизга берамиз. Қолганларини эса жойида ўрганиб чиқиб, зарур чора-тадбирлар белгилаш-лари учун тегишли ташкилот-идоралар раҳбарлари эътибо-рига ҳавола қиламиз. Ўз на-батиди бизни текшириш на-тижаларидан хабардор қилиш-ларини сўраймиз. Ана шу жа-раёнда баъзан кишини тааж-жубга соладиган ғалати воқеа-ларнинг ҳам шохиди бўламиз. Мана, бир мисол:

ТАХРИРИЯТГА ХАТ

Биз шикоят овозини 1995 йили Қумқўрғон тумани «Беш қахрамон» жамоа ҳўжалигининг учинчи бўли-мидаги Азларой маҳалла-сига келиб бўлиб тушган-ми. Худого шукр, ҳозир-га қадар иккитадан фар-занд кўрганмиш. Бировимиз мактабда ўқитувчилик қиламиз, иккинчисини уйда болалар тарбияси билан машғулмиш. Турмуш ўртоқ-ларимиз эса ишчи.

Қисқаси, тақдиримиздан нолимаймиш. Ҳарқалай, эл қатори кун кечираяптимиз. Лекин бошқа бир нарсада — турар-жой масаласида анча қийналияптимиз. Нега-ки, бир ховлида тўрт оила — жами ўн тўрт жонмиш. Барчамиз биттагина тўрт хонали уйда яшаймиш. Бу эса, биласиз, рўзгор теб-ратишда, меҳмон қутишда, болалар тарбиясида ўзига

хос қийинчиликлар туғди-ради. Шу мурақабиларни ҳисобга олиб, жамоа ҳўжалиги раиси Ф.Мамат-муродова ва туман ҳоким-лигига уй-жой қуриш ва то-морқа учун бизга ҳам ер майдони ажратишларини сўраб, қайта-қайта муво-жаат қилдик. Махсус ком-миссия икки марта хонадо-нимизга келиб, яшаш ша-роитимиз билан танишди. Тўпланган ҳўжжатлар асо-сида «Беш қахрамон» жа-

моа ҳўжалигидан бизга ер майдони ажратиш тавсия қилинди. Аммо ҳўжалик раҳбарлари илтимосимиз-ни қондирмадилар.

Шундан сўнг вилоят ҳокимига ариза ёздик. Ни-ҳоят, 1999 йил 21 сентябр-да жамоа ҳўжалигидан жа-воб хати олдик. Унда йил охиригача фақат биттамиш томорқа учун ер бери-лиши таъкидланганди. Шу-нисига ҳам рози бўлиб, бо-рига барака қилмоқчи эдик. Таассуфки, орзумиз ушаламди, йил адолига етса-да, бизга ер олиш на-сиб этмади. Чикмаган жон-дан умид деганларидек, ана туман ҳокимлигига ва бошқа тегишли идоралар-га қатъий бошладик. Баз-зи ҳамқишлоқларимизни елиб-югуришларимизни кўриб, йўлини топмасди бу

Дилшода МАМАЮСУПОВА, Нарғиза ГОВЛОНОВА, 1999 йил 31 декабр.

ВАЪДАГА ВАФО МАРДНИНГ ИШИ

Ушбу шикоят хатини Қум-қўрғон тумани ҳокимлигига йўллаган эдик. Маълум му-дат ўтгач, 2000 йил 10 фе-врал санаси қўйилган қўйда-ги расмий жавобни олдик.

«ХАЛҚ СҮЗИ» ГАЗЕТАСИ МУХАББИРИЯТИГА

... Ариза муаллифлари-нинг яшаш шароити ва оилавий ахволи кўриб чи-қилиб, уларга 2000 йил май ойига қадар «Беш қахрамон» хиссадорлик жа-мияти ҳудудидан томорқа учун ер-майдон ажратиш-га келишилган.

Туман ҳокими Н.О.ЧОРИЕВ. Расмий жавобга «Беш қахрамон» хиссадорлик жа-мияти бошқаруви раиси вази-ра-сини баҳарувчи Х.Тангиров

2000 йил 8 февралда туман ҳокими номига битган 21-сон-ли қаролат хати ҳам илова қилинган эди. Унга шундай жумларлар муҳрланганди:

«Мамаюсупова Дилшода ва Говлонова Нарғизалар-нинг турмуш ўртоқлари Чо-риев Алишер ва Чориев Маматмуродни 2000 йил май ойига қадар хиссадор-лик жамяти ҳудудидан то-морқа ер участкаси билан таъминлаймиш...»

Дилшода Мамаюсупова ва Нарғиза Говлонова яқинда таҳририятимизга иккинчи бор жўнатган мана бу мактубни ўқинг, шунда бир гапдан ўзин-гиз воқиф бўласиз-қўясиз...

«Хурматли таҳририят!

Энди билсак, ҳўжалик ва туман раҳбарлари бизни ҳам, сизларни ҳам бошлаб алдаган кўринадилар. Ин-чунин, расмий жавобда қайд этилган муддат алла-

қандай баҳолаш мумкин? Туралар ўз билганларидан қолмасалар, лафзларидан турмасалар, хатто тўртин-чи ҳокимият ҳисобланмиш матбуотни ҳам қалитиғидан тоймасалар, нима қилиш керак?..»

Эҳтимол, оевсинлар ҳасрат-ларини қоғозга тўкиб солиша-ётганда бир оз эҳтиросга бе-рилишгандир. Бундан қатъи назар, тайин бир ҳақиқатдан кўз юммаслик, энг муҳими, ин-сонни тушуниш керак. Улар турар-жой масаласида ни-ҳоятда қийналишган. Шўл сабаб қаттиқ ранжишган. Ҳар хил асосли-ассосиз гап-сўзларни эшитавериб, шубҳа-ғумонлар-га боришган, изтиробга ту-шишган. Бу — биринчидан. Иккинчидан, халқ бир нарса-ни сезмас-билмас, ҳуда-бе-худа гапирмайди. Шамол бўлмаса, даракнинг шохи ўз-ўзидан қимирламайди.

Биз ана шунларни назарда тутиб, шикоятчиларнинг са-волларига жўли жавоб қай-таришни яна туман мутасад-дилари эътиборига ҳавола қиламиз. Бу сафар хиссадор-лик жамятида турли миш-мишларга сабабчи бўлаётган воқеаларни ҳам атрофлича текшириб кўриб, тўғри-но-тўғрилиги ҳақида таҳририятимиз-га батафсилроқ ёзиб юбориш-ларини сўраймиш.

Зеро, бутунги кўннинг та-лаби ўзгача. Одамларга ғам-хўрлик кўрсатиш, оддий ме-ҳнатларнинг талаб-эҳтиёжи-ни қондирш раҳбарларнинг биринчи галдаги бурчи. Қола-верса, ваъдага вафо марднинг иши!

Абдуноби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Эҳтиром УМРИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ, ШОҲИДА ОПА!

Инсон доимо эзгу орзу-умидлар билан яшайди. Мақсадига етишишида унга ҳамisha яхшилар ҳам-кор-мададкор бўлади. Уларнинг қадри, айниқса, оғир кунларда яққол би-линади. Мана, ўзимнинг бошимдан ўтган бир воқеа:

Олти ёшли ўғлим Абду-рашид глаукома билан оғриб қолди. Бор дунёим қоронғу бўлиб кетди. Ахир, кўз энг нозик аъзо-лардан. Усиз инсон ёруғ дунё гўзалликларидан баҳраманд бўлолмайди, ҳаёт лаззатларидан қуво-нолмайди. Фарзандим тақдирини ўйларканман, қалбим аэобланар, юра-гим эзиларди.

Қаратган қараб қолма-ди, деганларидек, жуда кўп жойларга бош урдик, жиғабайдишимизнинг дарди-да шифо изладик. Ни-ҳоят, туманимиз ва вило-ятимиз шифокорлари биз-га йўл-йўриқ кўрсатишди. Абдурашидонини пой-тахт врачларига кўрсати-шимизни тавсия қилишди. Олижаноб одамларнинг ёрдами туфайли Тошкент шаҳар Болалар клиник ши-фоконаси кўз касалликла-ри бўлимига бордик. Шу бўлим мудирини, олий тои-фали шифокор Шохида Дадамухамедова қабулига кирдик.

Опа меҳри дараб, очик-кўнгли ва камтар инсон экан. Ўғлимнинг бир эмас, иккала кўзини ҳам ўзи жарроҳи қилиб даволади. Дийдасига қайтадан нур ато этди.

Мен Шохида опанинг инсоний фазилатларини, меҳр-муруватини таъ-рифлашга сўз тополмай-ман. Фақат бир гапни — кўнглимда борини барал-ла айта оламан: шундай инсонларвар меҳрибон шифокорни тарбиялаб воғга етказган ўқитган ота-онасига ва мустакл юртимизга тасанно! Яхши-лар бор экан, миллати-мизнинг келажаги буюқ бўлиши, шубҳасиз.

Шохида опа! Ўғлимнинг дардига махкам бўлгани-гиз, бизга олам-олам қувонч бахш этганингиз учун сиздан беҳад мин-натдоримиз. Илоҳим, эн-гил-шифобахш қўлларин-гиз ҳар қачон дард кўрма-син.

Сизга қучур эҳтиром билан Ўйчи туманидаги «Зарбдор» ширкат ҳўжали-ги механизатори Абдуғофир ДҮСӨБЕВ.

СИНОВАЛАР ОЛДИДАН

Қайсики уйнинг пештоқида қалдирғоч ин қурса, ўша хона-донда тинчлик-хотиржамлик, кут-барака ҳукм сурармиш. Бу йилги мактаб битирувчиларини ҳам, таъбир жоиз бўлса, худди ўша эзгулик элчиларига мен-гаш мумкин. Юртимизнинг му-саффо осмонига учирма бўла-ётган қалдирғочлар... Парвозга шай қалдирғочлар... Уларга бе-хатар парвоз, ҳаёт синовлари-дан ўтишда муваффақиятлар ти-лаймиш.



Гапни гапир уққанга...

... ЛЕК ШИРИН ЁЛҒОН ЁМОН

«Оқмачит» Тошкент ха-ритасида 1966 йилги қучли эваллаадан сўнг пайдо бўлган сўлим гўшаардан. Ўтган муддат мобайнида бу ерда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бир-биридан гўзал ва шинам уй-жойлар қурилади, гузар ва кўчалар чирой очди. Лекин одамлар қўнглини наш қилаётган муаммолар ҳам та-лайгина. Улардан бири аҳолини электр токи билан таъминлаш борасидаги нуқ-сонлардир.

Гап шундаки, кўчалари-

Ана, ҳолос!

Бизнинг кишлоғимиз Чирокчининг узок бир чек-қасида жойлашган. Номи ҳам ажабтовургина. У «Олтипойга» деб аталади. Кўпчилик бу атам қандай келиб чиққанини билмайди. Аммо бир нар-сани баралла айта олади: кишлоғимиз қурилиш, ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш пой-гасида ҳаммадан орқада қолиб кетган. Негаки, бу ерда на мактаб, на савдо дўкони, на тиббиёт хонаси ва на бирорта манший хизмат кўрсатиш шохобчаси бор.

«ОЛТИПОЙГА»ДА ҲАР КҮН ПОЙГА

Бу ҳам майли. Махсус транспорт қатнови йўқлиги туфайли ўғил-қизларимиз 7-8 қақирим наридаги мактабга сёв қатнайдилар. Кишли-қоровли кунларда баъзан ўқишга боролмай қолади-лар.

Инкор этмаймиш, ўтган йил кўкмада туман халқ таълими бўлими ва Файзулла Ҳўжаев номи-даги жамоа ҳўжалиги

сонли фармойиш чиқар-ди. Унга қўра, «Қашқадарё-автйўл» хиссадорлик жамяти мактаб қурили-шига кўмаклашиш учун ҳомий ташкилот сифати-да бириктирилди. Биз бундан ниҳоятда қувон-гандик. Болаларимиз янги ўқув йилини ўз кишлоғимиздаги мактаб-да қутиб оладилар, деб ўйлаган «олтипойга»-лик-лар меҳнатга белни маҳкам боғлаб шай бўлдилар. Лекин англиш-ган эканмиш. Жамяят раиси бизга ёрдам беришдан бош тортди. Шу-шу мактаб биноси чала-ярим ҳолатда қолиб кетди.

Чорасиз қолгач, дард-ҳасратимизни қоғозга тушириб, сизларга йўллаяптимиз. Уни газета саҳифасида ёритсангиз-лар, бизга қайишадиган-лар топилиб қолармикин, деган умиддамиз.

Г. НУРИМОВА, З. РОЗИЕВА, К. ЭШОНҚУЛОВ ва бошқалар.

раҳбарияти розилиги билан мактаб қурилиши учун ер олдик. Тез орада унинг деворини тикладик. Бирок тумани ёлғиша келганда қўлимиз қалпа-лик қилиб қолди. Бу ҳақда кишлоқ фуқаролар йигини, ҳўжалик, туман ва вилоят раҳбарларига хабар бердик. Улардан ёрдам сўрадик. Ниҳоят, 1998 йил 6 августда вилоят ҳокими 144-Ф

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

ФЕРМЕР БЕГОНАМИ?

Мен ҳам бошқалар қато-ри фермер бўлигим келди. Ўзимни бир синаб кўрай деган ниятда икки гектар ер олдим. 1998 йили пахтадан 31 центнердан ҳосил кўтар-дим. Гафратимга гафрат қўшилди. Ҳўжалигини кен-гайтириш мақсадида қўшим-ча ер сўраб, туман ҳоким-лигига мурожаат этдим. Ёна 8 гектар ер беришди. Ёнг шимариб ишга киришдик. 1999 йил 4 гектарга арпа экиб, режани удалладим. Қолган майдонда пахта етиштирдим. Бу борадаги режани ҳам бажардим.

бўлган ерни қайтариб бери-шларини сўраб, ҳўжалик раиси-га, ер тузувчилар ва ҳуқуқш-носларга, кишлоқ фуқаролар йигини раисига мурожаат эт-дим. Ҳа, деганда натижа бўла-вермагач, У. Очиловга учраш-дим. У шундай деди: «Мен сенга ер берганман, у ерлар шўрланган бўлса ҳам, ҳўжалик балансида турибди. Хохласанг шу, хохламасанг, ерни топ-шир».

Хуллас, кўнглида эзгу ни-ятлар ниш ура бошлаганди. Бирок ҳеч қўнглимдан «Бу-хоро» ширкат ҳўжалиги раи-си У. Очилов мендан икки гектар ерни тортиб олиб, ўрнига ташландик, шўрлан-ган майдонни ажратди. Бу захха ёрда деҳқончилик қилиб бўлмайди.

Хурматли таҳририят! Сиз-ларга ушбу мактубни битта-нига қадар қўллаб идоралар-га бордим. Аммо менга ас-тойдил ёрдам берадиган киши топилаётти. Езай десам, дардин қоғозга сигмайди. Сизлардан илтимос, адолат-нинг тикланишига ёрдам бер-сангизлар.

Мен «Жамшидбек» фер-мер ҳўжалигига тегишли

С. ҚҮТЛИЕВ, Қоракўл тумани «Бухоро» ширкат ҳўжалиги ҳудудидоги «Жамшидбек» фермер ҳўжалиги раҳбари.

Фермернинг куйиниб ёзган мазкур арзномаси жойида қўриб чиқиш учун туман ҳокимлигига ҳавола этилганди. Ҳоким жаноб А. Раҳмоновнинг хабар бери-шича, С. Қутлиевнинг таҳририятга ёзган арзиси ўрганиб чиқилган. Фермер ҳўжалигига тегишли бўлган майдонлар ҳайдаладиган ерлар ҳисобига тўлиқ ажратилиб, қонуний расмийлаштириб берил-ган.

Фермер ҳўжалиги раҳбари ёзган шикоятларга эътиборсизлик билан қараганликларини учун «Бухоро» ширкат ҳўжалиги раиси У. Очилов ва «Жигачи» ки-шлоқ фуқаролар йигини раиси Т. Қодировларга ҳай-фсан эълон қилинган.

Фермернинг куйиниб ёзган мазкур арзномаси жойида қўриб чиқиш учун туман ҳокимлигига ҳавола этилганди. Ҳоким жаноб А. Раҳмоновнинг хабар бери-шича, С. Қутлиевнинг таҳририятга ёзган арзиси ўрганиб чиқилган. Фермер ҳўжалигига тегишли бўлган майдонлар ҳайдаладиган ерлар ҳисобига тўлиқ ажратилиб, қонуний расмийлаштириб берил-ган.

Фермер ҳўжалиги раҳбари ёзган шикоятларга эътиборсизлик билан қараганликларини учун «Бухоро» ширкат ҳўжалиги раиси У. Очилов ва «Жигачи» ки-шлоқ фуқаролар йигини раиси Т. Қодировларга ҳай-фсан эълон қилинган.

миздаги симёғочлар алақа-чон эскириб, симлари тез-тез узилмадан бўлиб қол-ган. Оқибатда хонадонлари-миздаги чироклар ўчиб, муз-латтичлар, радио ва телеви-зорлар муддатидан олдин шдан чиқмоқда. Тунги ёриткичлар синиб битгани бонс, қоронғи тушгач, йўлак ва хёноналарда юриш қи-йинлашмоқда.

Иккинчи ташвишимиз экин-тўғиларини, дов-даракт-ларини оби ҳаётга қондирш масаласи билан бораниқ.

Ариқларда оқарсув йўқли-гидан одамлар томордаларини водопровод суви билан су-ғормоқдалар. Ана шунинг асорати ўлароқ, пўлат қувур-лардаги сув босими пасайиб, қўйи кўналарга яхши етиб бормаяпти, айрим хонадон-лар соҳибларининг ҳақли эътирозларига сабабчи бўла-япти. Айни чоғда, С.Сайда-минов кўчаси ва «Чевар-4» торкўчаси туташган жойда-ги қувур ёрилоб кетгани ва таъмирланмагани туфайли ҳар қатраси олтинга тенг тоза

сув 5-6 йилдан буён чор-атрофга бекордан-бекорга оқиб ётибди.

Биз тегишли идоралар раҳбарларини бу ноҳушлик-лардан бир неча бор огоҳ этдик. Шикоятларимиз ҳатто матбуот саҳифаларида ҳам чоп этилди. Шўнга қўра, ту-мандаги ана шу масаллага му-тасаддилар келишди. Дарди-мизни тинглашди. Камчилик-ларни тузатиш юзасидан қувудан-қувуқ ваъдалар бе-ришди. Бирок амалда...

Қани, қутайлик-чи, улар бу сафар қандай йўл ту-тишаркин? Сўзлари устидан чиқарилмикин ёки бизни яна алдаб кетишармикин?.. Абдураим ОТАМЕТОВ.

АРОСАТДА ҚОЛГАН МАҲАЛЛА

Ҳа, гапимизга нишонверинг, ростиноман шун-доқ! Чунки маҳалламиз кўчалари асфалтлан-маган, лоқал тош-шағал ҳам ётқизилмаган. Шу боис ёзда чанг, қишда эса тизза бўйи лой бўлиб ётади. Бундай кезларда кўчаларга ма-шина киролмайди.

Яна денг, шундоққина катта кўчадан ўтган табиий газ қувури бизнинг хонадонларга етиб келмаган. Ичимлик суви илгари уч кунда бир марта бўлса ҳам, ҳўжалик тумонидан ажратил-ган махсус трактор ташиб келтирарди. Бу йил унга ҳам қўз тегди. Шу боис ҳар кун пийда бир километрик масофадан челақалб сув та-шишга мажбур бўлаяптимиз.

Биз дард-ҳасратимизни аввалига ҳўжалик раҳбарларига айтдик. Сарик қақчалик нафи теғмади. Кейин туманга чикдик. Ҳоким келиб кўрди, хотин-қизлар қўнғитаси рақиси яшаш шароитимиз оғирлигини билди. Иккиси ҳам «Ундок қиламиз, бундоқ қиламиз», деб ваъда-лар берди. Аммо ахволимиз ҳамон ўша-ўша — эски тос, эски ҳаммом. Ажаб, бизнинг гуноҳимиз нима? Ҳамма қато-ри ҳалол ишлаймиш, йил — ўн икки ой даладан бери келмаймиш-ку. Еки ҳўжаликка меҳнатим-из керагу, ташвишимиз бегонами? Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида-ги Шариф Раҳимов номидаги фермер ҳўжа-лиги аҳли номидан: М.УЗОҚОВА, М.ДОДАЕВА ва бошқалар.

Оқибат

ДУНЁНИНГ УСТУНИ

Абу Хурайра айтиди: Расулulloх: «Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!» — деб ўн мартаба тасовир қилди...

Ота-оналик мартабасини факатгина дунёга келтиришдангина иборат, деб тушунадиган бундай оқибатсиз кимсаларга мақола бошида келтирганимиз муборак ҳадис тегишли эмасми? Тинч замонда яшаб, турт мучаси бут бўлиб, жигарпорасини ташлаб қўйиб, ОҚИБАТнинг суст кетиб, худбинликнинг зўр келишидир.

Исон хар доим меҳр-мухаббатга, суянчга муҳтож яшайди. Айниқса, болалар, аёллар, кексалар бир меҳрибон кўл, қалқондек ҳимоя, бир оғиз ширин сўзсиз ҳаётини тасаввур эта олмайдилар. Буларга хар доим ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам керакдир.

«Эй ахларим! Етимлар, мискинлар ва қўшнларингиз ҳолидан хабардор бўлинг», деган каломи шариф бугун мамлакатимизда амалга оширилган ҳайр ва саховат ишларига нақадар ҳамоҳанглигини кўриб, эшитиб қувониб кетасан, киши. Дарҳақиқат, айни вақтда ҳам давлатимиз буювчиси етимлар, ота-онасининг бағрига сиймаган «тирик етимлар» тўғрисида чексиз ғамхўрликлар қилмоқда. Уларнинг ўсиб-ўлғайиши ва таълим олишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Ана шундай меҳр-эҳтиборга муҳтож болалар даргоҳларидан бири — Самарқанд шаҳар 10-меҳрибонлик уй-линейидир. У ерда бўлишдан мақсад болаларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва қандай қилиб бу даргоҳга тушиб қолганликларини билиш эди. Бу ерда жами 232 нафар бола бор. Шунлардан 18 нафарининг мутлақо ҳеч қандай йўқ. Қолганларининг ота-онаси бор-у, лекин бирига яшамайдилар.

Мазкур меҳрибонлик уйида болаларга таълим бериш билан чегараланиб қолмасдан, уларга хунар ҳам ўргатишмоқда экан. Қулолчилик, нақшошилик, расм чизиш, тикунчилик, каштанчилик каби тўғрақлар ташкил этилган. Қизиқувчан болалар бу ерда хунар сирларини кўнот билан ўрганишмоқда. Улар бизга уларни ясаган, чизган, тиккан буюмларини чугурлашиб кўрсата бошлашди. Болаларда меҳнатга меҳр уйғотишда Абдумалик Рўзиқуловнинг хизматлари катта. Меҳнатга кўнгли қўйган инсоннинг жамиятга зарари тегмайди.


Мени ажаблантирган нарсаси, буларнинг кўпчилиги уй-жойи, касби-кори бор одамларнинг болалари эканлигидир. Олдуз исми қизчагина онаси таълим муассасасида, отаси эса ички ишлар бўлимида ишлаган эканлар. Ажрашиб кетиш оқибатида она ҳам, ота ҳам қўздан воз кечиб кўра қолибди. Орзуқов Эокрининг ҳам тақдирини шунга ўхшаш — отаси миллиячи ходими бўлиб ишлаган, онаси «раккасо», соппа-соғ, ёш, уйи бор. Лекин ўз пушти қамаридан бўлган болани ота ҳам, вужудда тўқиз ой кўтариб дунёга келтирган она ҳам боқиб тарбия қилишни гарданига олмайдди, энг осон йўли — болалар уйи. Ана шундай қилиб, бола «болалар уйининг боласи» деган номни олади.

«Равшан, аянг ёки даданг келиб турдимми, сени, укаларингни кўриб кетадими? — дея сўрайман. — Дадам эмас, аям келиб кетдилар. — дейди секин. — Ҳа, келиб «Мен шуларни тугиб бермасам, сенларга иш қайда эди», деб тарбиячиларни тергаб, дўк-пўйиса қилиб кетди. — дея гапга аралашди директор Абдумалик Рўзиқулов, болалар нарирок кетишган.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «BARAKA — YUTUQ» масъулияти чекланган жамияти тугатилди. ОКПО коди 16640256. Барча даъво ва эътирозлар эълон чоп этилгандан бир ой мuddатда қабул қилинади. тел: 74-36-19.

Меҳри СУВОНОВА, жамоатчи муҳбир.

Футбол: Олий лига



САККИЗТА ҒАЛАБА, ИККИТА ДУРАНГ

Куни кеча мамлакат тўққизинчи миллий чемпионатининг ўн бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Утказилган 10 та беллашувнинг 4 таси меҳмонлар, яна 4 таси мезбонлар фойдасига ҳал этилган бўлса, 2 та уйинда жамоалар дурангга имзо чекишти: «Кимёгар» — «Навбахор» — 0:0, «Металлург» — «Андижон» — 1:1.

Дарвозаларга ҳам 29 мартаба тўп киритилди. Энг йирик ҳисоб «Дўстлик» — «Темирйўлчи» баҳсида қайд этилди. Утган йилги мамлакат чемпиони қўнгли тенгдошлари дарвозасига жавобсиз 5 та тўп йўлладилар. Ва бу галги мавсумда ҳам олтин медаль учун асосий даъвогар эканликларини яна бир карра исботлашди.

Шунингдек, ушбу турда «Дўстлик»ни тинмай таъкиб қилиб бораётган самарқандлик футболчилар ҳам йирик ҳисобдаги ғалабага эришдилар. Улар Ангренда мезбонлар жамоаси дарвозасига 5 та тўп киритиб, ўзлариникидан 1 та ўтказиб юборишти. Бу йилги чемпионатда ишончли ўйин намойиш этган қашқадарёлик ва сурхондарёлик чарм тўп усталари ўз ҳисобларига навбатдаги 3 очкони ёзиб қўйишти. «Насаф» Нукусда «Турон»ни, «Сурхон» Урганчада «Хоразм»ни 2:1 ҳисобда мағлуб этди.

Турнинг марказий учрашувларидан бири «Трактор» ва «Нефчи» ўртасида кечди. Қизғин шундаки, бу икки жамоа беллашуви хар доим қизгин ва тенг курашлар остида ўтган. Лекин шу пайтгача ўзаро ўтказилган 16 та ўйиннинг 15 тасида фаронангликлар зафар қўнган. Кеча яна уларга омад қилиб боқди — 2:0. Бошқа бир қизиқарили баҳсда «Сундиёна» — «Кизилқум»ни (2:0), «Гулистон» — «Бухоро»ни (1:0) майдондан бош эгиб чиқишга мажбур қилди. Эътироф этиш керакки, ушбу турда сўнги йилларда биринчи марта «Пахтакор» марказий стадиони муҳлис-лар билан лиқ тўлди. Уйин олтидан санъат усталарининг катта концерт дастури намойиш этилди. Танаффусда спорт-буюм лотереяси ўйналди. Шу кун «Пахтакор»чилар «Зарафшон» футболчиларини қабул қилишти. Уйиннинг дастлабки 22 дақиқаси чинакам «Пахтакор»-часига ўтди десак муболага бўлмас. Бунгача улар икки марта меҳмонлар дарвозасини ишғол қилиб улгуришти. Кейин эса, навоийлик чарм тўп усталари ҳам қарши ҳужумлар уюштира бошлашди. Ва тўп ҳам киритишга эришилди. Бирок, ўйин туғашига 4 дақиқа қолганда И. Шкирин ҳисобни 3:1 га етказди. Шу билан ўйин туғандай эди. Лекин навоийликлар охириги дақиқадан яна бир марта гол уришти.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» муҳбири.

СОИБ ХҲҲАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

Таникли шоир ва драматург Ҳайдар Мухаммаднинг шу номдаги рисо-ласи босмадан чиқди. Ундан халқимизнинг ажойиб фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Соиб Хўжаев ҳаёти ва ижодига оид кизик-кизик гап-лар ҳамда латифалар жой олган.



Уйлаймизки, китоб ўқувчиларга олам-олам завқ ва қувонч бағишлайди. Топиб айтилган гап. Мухимий театрининг «Равшан ва Зулумор» спектаклида Равшан ролини Ҳамза Умаров, Эрсак ролини Соиб Хўжаев ўйнаган экан. Бир кун Соиб Хўжаев Ҳамза Умаровга: — Постановка бўйича биласан; зиндонни мен олдин тешиб чиқаман, кейин сен чиқасан, шундайми? — дейди.

гиз, ҳовлининг этагидан бир қудук қазирасиз. Ундан чиққан сувдан қунига уч маҳал овқатдан олдин бир косадан ичмасиз, — дейди. Орадан икки йил ўтган, муқимийчилар яна ўша қишлоққа гастролга боришди. Бемор одам семирди, соғлом бўлиб кетган экан. У Соиб Хўжаевни сўраб келиб, қучоқлаб, энг зўр табиб эканлигига тасанно айтиб, артистларни зиёфат билан роса сийлабди.

ҚАБУЛДА ОЛИМ ХҲҲАЕВ ҲҲҲИРБИДИ

Машҳур артист Олим Хўжаев Мухимий театрининг янги спектаклининг қанда қилмай кўриб борар экан. Шундай спектакллардан бирига бориб, биринчи қаторда ўтиради. Спектакль бошланганда. Асар воқеаси бўйича Соиб Хўжаев қозининг хизматкори ролини ўйнаган экан. Хизматкор қозининг олдида кирганда: — Ҳой, яна ким қолди, арза билан келган? — деб сўраса, актёр биринчи қаторда ўтирган Олим Хўжаевни кўриб қолиб: — Тақсир, қабулда Олим Хўжаев ҳам ўтирибди. Унинг ишини ҳам тез ҳал қилиб берсангиз бўлди, — дейди. Олим Хўжаевни кўрган ва таниган томошабинлар гур этиб уринларидан туриб, гулдурас қарсақ чалиб юборишди.

СОИБ ХҲҲАЕВ — ТАБИБ

Сирдарёда гастролда юришганда жуда озиб кетган бир бемор одам артистлар олдида келиб, дардини — Кўймадингиз, кўймадингиз, — дейди.

айтиб, маслаҳат сўрайди. Кимдир ҳазиллашиб «Соиб Хўжаев асли катта табиб, лекин ҳеч қимга билдирмай юради. Сиз бориб, ялнини илтимо қилсангиз, ўзи раҳмдил одам, раҳми келиб дардингиз давосини топади, дорисини айтади. Пул берсангиз олмайдди. Худо шифо бериб, тузук бўлиб кетсангиз, яна қайтиб келганимизда бир зиёфат сиздан», — дейди. — Эй ака, тузук бўлиб кетсан, сизлардан битта эмас, ўн та зиёфат айлансин, — деб Соиб Хўжаевнинг олдида бориб, дардини айтиб роса ялинадди. — Эй биродар, мен табиб эмасман, ҳазилқанд уртолқарим сизга тандир кийдиришибди, — дейди Соиб Хўжаев. Бемор одам: — Ака, табиб бўлмасангиз ҳам бир нарсаси денг, — деб туриб олибди. Шунда ноилж қолган актёр: — Кўймадингиз, кўймадингиз, — дейди.

«БУХОРО ҒАЗСАНОАТ ҚУРИЛИШ» очик ҳиссадорлик жамияти автокорхонасига қарашли автомашиналарга берилган куйидаги йўқолган лицензия варақалари бекор қилинади:

Table with 3 columns: License Number, Date, and AT Number. Lists 15 revoked license numbers and their corresponding dates and AT numbers.

Тошкент олий ўқув юрталари талабалари диққатига!

Ўз МУ журналистика факультети қошида куйидаги йўналишларда шарҳловчилар, тайёрлаш курслари ташкил этилади: Ўқаш мuddати — 10 ой, тўлов ҳажми, жами — 50000 сўм. Ҳайдар МУҲАММАД.

Мурожаат учун телефонлар: 56-53-48, 56-72-09. Аризалар куйидаги манзилда қабул қилинади: Бобур кўчаси, 9-уй, 3-қават, 85 ва 70-а хоналар.

РЕСПУБЛИКА КҲҲМАС МУЛК БИРЖАСИ

Сиз азизларни 2000 йил 6, 20 июл, 10, 24 август, 7, 21 сентябр, 5, 19 октябр, 9, 23 ноябр, 7, 21 декабр кунлари соат 11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган

АУКЦИОН

савдоларига тақлиф этади. Савдоларга Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган бошланғич баҳоси 50 минг сўм ва ундан юқори бўлган турли кўчмас мулклар, автомобилларга ёнилиги қуйиш шаҳобчалари, автоматотранспорт воситалари ва бошқа мулклар қўйилади.

Мазкур мулкларга қизиқарли бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Аукционда қатнашиш учун жисмоний ва ҳуқуқий шахслар куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим

- а) ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР: б) ҲУҚУҚИЙ ШАХСЛАР: • ариза; • объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорда гаров пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нуҳаси; • ишончнома; • рўйхатга олинганлиги ҳақидаги нотариал тасдиқловчи ҳужжат нуҳаси.

Хорижлик ҳуқуқий ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг рўхсатномасини олишлари лозим. Манзилими: Тошкент ш., «Бухоро» к., 10-уй, Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават, 10-хона. Ҳисоб рақамини: 20210000900571452001, МФО 00832. Таъқиқ иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Тошкент вилояти бўлими. Телефонлар: (371) 136-15-29, 136-28-75. Ички: 153. Факс: (371) 136-06-17

Advertisement for Tara cleaning powder. Features the Tara logo, a box of powder, and text describing its benefits for cleaning and removing stains. Includes contact information for BENDAD CHEMICAL CO.

Advertisement for Tolikish Sesapsizmi? (Toxicity-free). Features a box of the product and text describing its benefits for health and safety. Includes contact information for the manufacturer.

Advertisement for MASTURA Agency. Text describing the agency's services in Uzbekistan, including real estate and business representation. Contact information for MASTURA Agency is provided.

Advertisement for 'Халқ сўзи' (People's Word) newspaper. Features the newspaper logo and text describing its content and subscription information. Contact information for the publisher is provided.

Advertisement for the Head Editor, Abbosxon USMONOV. Text describing the newspaper's editorial board and contact information. Includes phone numbers and address.

Advertisement for Manzilimi3 (Address Book). Text describing the service of providing addresses and contact information for various locations. Contact information for Manzilimi3 is provided.